



MILLIY TIKLANISH

11 (332)

2015 йил 18 март, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz

Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Сайловчилар бу ердаги маълумотлар орқали номзодларнинг таржимаи ҳоли, уларнинг сайловолди дастури билан тўлиқ ва батафсил танишиш имкониятига эга бўлишади



Сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги иштироки кенгайиб, фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданияти тобора юксалиб бораётган бугунги кунда парламентда кўпчиликни ташкил этган фракцияларнинг блок тузиши бу жараёни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади



Ёшларнинг оила ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашига, сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга бағишланган тадбирлар нафақат партиянинг фаол ёшлари, балки партияга аъзо бўлмаган ёшлар томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда



3 САЙЛОВ — 2015

5 ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

6 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Юзма-юз



Сайлов жараёнидаги фаоллик ва онгли муносабат

сайловчилар билан учрашувларда яққол намён бўлмоқда

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни 4-Жиззах сайлов округ комиссияси раиси А.Сатторов очиб, тобора яқинлашиб келаётган Президент сайловини очик, ошқора, транспарентлик руҳида, юқори савияда ташкил этиш учун мамлакатимизда барча шароит ва ҳуқуқий асослар етарли эканини таъкидлади.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили Б.Мамажонов йирилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Президентликка номзод мамла-

катни демократик янгилаш ва модернизация қилиш борасида муҳим вазифалар акс этган сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

— Демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда, — деди ЎзМТДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов. — Бугун мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари юзасидан сиёсий партияларнинг

нутқини назари тўлиқ ҳисобга олинмоқда. Бу, ўз навбатида, улар дастурларининг ҳаётий бўлишини, янада такомиллашувини тақозо этади. Сиёсий партиялар давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органларида кўпроқ ўринларни қўлга киритиш орқали ўз дастурий гоёларини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг стратегик вазифаларини ҳал этишда сезиларли сиёсий таъсир кучига эга бўлиб бормоқда.

Сиёсий партияларнинг етуқлик даражаси ва фаолиятининг самарадорлиги, фуқароларимизнинг дунёқараши ва фаол гражданилик позициясининг кучайиши, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётгани юртимизда из-

чил амалга оширилаётган конституциявий ислохотларнинг асоси, ҳал қилувчи шарт ва гаровига айланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизнинг бу йилги сиёсий ҳаётида энг катта воқеа ҳисобланади. Ушбу сиёсий жараёнда партиямиз ўзининг қатъий белгиланган дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш учун миллий қонунлар ва умум-этироф этилган халқаро стандартлар ҳамда халқ демократияси тамойилларига таянган ҳолда фаол ҳаракат қилади, — деди нотик.

2-бет

Фракция ҳаёти

Демократик кучлар блоки

парламент фаолияти самарадорлигини янги босқичга кўтаради



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларнинг Либерал демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг Демократик кучлар блокининг тузиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов маъруза қилди:

— Мустақил тараққиёт йилларида замонавий, демократик талабларга жавоб берадиган парламент тизимини мустаҳкамлаш, унинг фаолиятини тубдан кучайтириш, давлат ҳокимияти органлари тизимида Олий Мажлиснинг роли ва ўрнини ошириш, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмларини шакллантириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Шунингдек, давлат бошқарувини янгилаш ва демократлаштириш ҳамда мамлакатимизни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини оширишга қаратилган кенг миқёсдаги ислохотлар жамият ҳаётида партияларнинг иштирокини тобора кенгайтирмоқда.

5-бет

Сайлов — 2015

Муҳим сиёсий тадбирга шаймиз

Сайловлар фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, демократик ҳуқуқий жамият қуриши ва давлат бошқаруви жараёнида бевосита иштирок этиши учун қулай имкониятдир. Шу боис ҳам юртдошларимиз тобора яқинлашиб келаётган муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига катта қизиқиш билдиришмоқда, бу жараёнга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилишмоқда.

Туғилиб ўсган Ватанига хизмат қилиш ва унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш — ҳар бир касб эгасининг фуқаролик ва конституциявий бурчи. Жойларда миришкор дехқонлар, қурувчи ёки ҳайдовчилар, ўқитувчи ёки шифокорлар билан суҳбатда бўласизми, маҳалла гузарларидаги гурунларга кулоқ тутасизми, сайлов ҳақидаги суҳбатлар бош мав-

зуга айланган. Асосийси, юртдошларимиз сайлов жараёнида шунчаки иштирок этмоқчи эмас, улар фарзандлари келажаги, юртимиз тараққиёти ва фаровонлиги учун ҳам овоз беришга тайёр. Бу уларнинг юзлар кўзларидаги ҳаётдан розилик, ўзига, эртанги кунга — овоз ва обод юртининг нурли келажагига ишонч ифодасида намён. Дарҳақиқат, бугун мамлака-

тимизда сайловларни очик, ошқора, фуқаролар фаоллигида ўтказиш демократик қадриятга айланганини халқаро жамоатчилик ҳам эътироф этмоқда. Юртдошларимиз сиёсий-ҳуқуқий маданияти, фаоллиги, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси ҳам шунга монанд. Фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятига эга экани, сайловда фаол иштирок этишни масъулиятли вазифа деб билаётгани мамлакатимизда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирлар самарали ташкил этилаётганидан эркин далолат беради.

2-бет

Депутат минбари

Мақсадли сарф ва назорат-таҳлил

тараққиёт ва фаровонликнинг муҳим омили

3-бет



«Milliy tiklanish» gazetasi

www.milliytiklanish.uz

сайтида ҳам ўқинг!

Учрашув

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таклифига биноан мамлакатимизга таширф буюрган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилари миссияси айна пайтда Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни устидан кузатувни амалга оширишмоқда. Тошкент шаҳрида миссиянинг штаби фаолият юритиб, кузатувлар билан боғлиқ тадбирларни ташкил этмоқда.

ЎзМТДП сайлов штабида

МДХ кузатувчилари миссияси вакили билан учрашув

17 март кuni Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайлов штабида МДХ кузатувчилари миссияси вакили Евгений Слобода билан учрашув бўлиб ўтди.

2-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ!



2015 йил 29 март, яқшанба – ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН
НОМЗОД АКМАЛ САИДОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

○ Депутат минбари

Мақсадли сарф ва назорат-таҳлил

таракқиёт ва фаровонликнинг муҳим омили

Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимизда ҳар бир соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, муайян дастурлар асосида қатор сабъ-ҳаракатлар амалга оширилиб келинмоқда. Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар ҳисобига ҳудудларни ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Шу ўринда айтиш керакки, ҳар бир соҳа ва тармоқларга йўналтирилаётган Давлат бюджети маблағларининг мақсадли сарфланиши, ундан унумли фойдаланиш масаласи назорат ва мониторингнинг тақозо этади.

эътибор қаратилди, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди.

Ҳисоб палатаси ўтган йилги иш фаолиятини 2014 йилга белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига эътибор қаратган ҳолда амалга оширган. Жумладан, иқтисодий барқарор ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш учун таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасидаги сиёсатни амалга ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда молиявий ресурслардан тежамли, самарали ва мақсадли фойдаланиш каби вазифалар палатанинг доимий эътиборида бўлган. Маҳаллий бюджетларнинг ижроси ўрганилганда айрим ҳудудларда камчилик ва хатоларга йўл қўйилганлиги аниқланиб, тегишли чоралар кўрилган.

Ҳисоб палатаси томонидан Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг ижроси, давлат ва ҳудудий ривожланиш дастурларининг бажарилиши, соҳаларда молиявий маблағларнинг самарали ишлатилиши ва бошқа қатор масалаларда амалга оширилган назорат тадбирлари фракциямиз аъзолари томонидан муҳокама этилди. Партиямиз сайловолди Платформасида муҳим ўрин эгалловчи бюджетларро муносабатларни янада такомиллаштириш, ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва ресурсларни молиявий таъминлашнинг самарали фойдаланиш асосида маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ошишига ва минтақаларнинг иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу каби сабъ-ҳаракатларни амалга оширишга йўналтирилган маҳаллий бюджетларнинг ижроси қай даражада таъминлангани Ҳисоб палатасининг тақдим этган маълумотлари асосида ўрганиб чиқилди.

2014 йилда Ҳисоб палатаси томонидан амалга оширилган яна бир муҳим иш — олиб борилган назорат тадбирлари ва кўрсатмаларига биноан амалдаги бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилганлиги ҳамда идоравий норматив ҳужжатлар тайёрланганлигини алоҳида эътибор эътиш жоиз. Вазирлар Маҳкамасига Солиқ кодексининг 254-моддасига, ердан фойдаланишга оид қонун бузилиши ҳолатлари бўйича "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклифи тақдим этилганлиги ана шулар жумласидандир.

Ҳисоб палатаси 2014 йилги фаолияти давомида "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонун ижросини таъминлаш мақсадида сиёсий партиялар даромадларини шакллантиришнинг тўлиқлиги ва улардан мақсадли фойдаланишини ҳам текширган. Бу борада ҳар бир партия билан ҳамкорликда махсус ўқув-семинарлар ташкил этилган, молиявий интизомга риоя этиш ва маблағлар самарадорлигини таъминлаш масалаларида амалий кўмак берилган эътиборга моликдир.

Ҳисоб палатасининг ўтган йилги фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, фракциямиз томонидан партия сайловолди Платформасида кўзда тутилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қатор таклиф ва тавсиялар берилди. Аввало, бугунги барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш, иқтисодий ўсишнинг янги омилларини излаб топиш, айниқса, ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳияти, ички имкониятларидан оқилона фойдаланишимиз, уларни тўла ишга солишга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблаймиз.


Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига назарда тутилган ва жаҳон амалиётида ягона бўлган маҳаллий бюджетларнинг ҳар чорадаги ижросини вакилик органлари томонидан муҳокама этилиши масалаларига Ҳисоб палатасининг эътиборини янада кучайтириш лозим. Бу ҳудудларда аниқланган молиявий хато, камчиликларни бартараф этиш, келгусида бу каби камчиликларга йўл қўймастик ҳамда бюджет маблағлари самарадорлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Шу ўринда ЎЗМТДП Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг фаолияти бора-бора ҳам тўхталиб ўтиш жоиз, деб ҳисоблаймиз. Чунки Марказий назорат-тафтиш комиссияси томонидан партиянинг марказий ва ҳудудий ташкилотларида бюджет маблағларининг сарфланиши бўйича назорат ишлари олиб борилади. Мазкур комиссия 2014 йил давомида партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони молиявий-ҳўжалик фаолияти ва ҳисоб-китоб ишларининг юритилиши бўйича мунтазам ўрганишларни амалга ошириб, аниқланган камчиликларнинг жойида ҳал этилишида иштирок этди. Шунингдек, Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг ҳудудий ташкилотларда молиявий ҳўжалик фаолиятини ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган саволнома бўйича "Миллий тикланиш" газетаси тахририятида, ЎЗМТДП Андижон, Тошкент, Наманган, Қашқадарё, Сирдарё, Хоразм, Бухоро вилоят кенгашларида устас талабалари ва юқори органлар қарорларининг бажарилиши, бухгалтерия ҳисобининг юритилиши ва молия-ҳўжалик фаолияти ўрганилди. Комиссиянинг бу каби фаолияти ЎЗМТДП ташкилотларида Давлат бюджети маблағларининг самарадорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Мухтасар айтганда, фракциямиз келгусида ҳам Ҳисоб палатаси билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш, қонунчиликни такомиллаштириш ва Давлат бюджети ижросини назорат-таҳлил тартибиде ўрганиш, парламент назоратини янада кучайтириш масалаларида муҳим аҳамият касб этади.

**Абдурашид ТЎХТАБОВ,
ЎЗМТДП Марказий
назорат-тафтиш
комиссияси раиси,
фракция аъзоси**

○ Репортаж



Сайлов участкалари

муҳим тадбирга муносиб ҳозирлик кўрмоқда

Мустақиллик йилларида миллий сайлов қонучилигини такомиллаштириш, сайловларнинг халқаро демократик андозаларга мос тарзда ўтишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, сайловлар демократия кўзгуси бўлиши билан бирга, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлини ҳам белгилаб беради.

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишлар қизғин тус олмоқда. Барча округ ва участка сайлов комиссиясида ушбу муҳим сиёсий тадбирни юқори савияда ўтказиш учун қатор тадбирлар амалга ошириляпти.

Айтиш жоизки, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунда сайлов участкалари сайловчиларга имкон қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инobatта олган ҳолда тузилиши белгилаб қўйилган. Айни кунларда сайлов участкаларида сайловчиларни рўйхатга олиш ниҳояланиб, улар учун керакли шароитларни яратиш ишлари давом этапти.

Сайлов участкалари фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 160-сайлов участкасида бўлди. Бу ерда сайловга юқори даражада тайёргарлик кўрилгани яққол сезилди. Хоналар интернет тармоғига уланган компьютер, факс ва бошқа техник ҳамда кўргазмили воситалар билан жиҳоз-

ланган. Участқада сайловчилар тўлиқ маълумот олиши учун сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тўплами мавжуд. Сайловчилар бу ердаги маълумотлар орқали номзодларнинг таржимаи ҳоли, уларнинг сайловолди дастури билан тўлиқ ва батафсил танишиш имкониятига эга бўлишади. Бундан ташқари, овоз бериш, тиббиёт, оналар ва болалар хоналари шай ҳолга келтирилди.

— Участқамиз ҳудудида 3155 нафар сайловчи рўйхатга олинди, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Яйра Мирзааҳларнинг чегараларини инobatта олган ҳолда тузилиши белгилаб қўйилган. Айни кунларда сайлов участкаларида сайловчиларни рўйхатга олиш ниҳояланиб, улар учун керакли шароитларни яратиш ишлари давом этапти.

Сайлов участкалари фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 160-сайлов участкасида бўлди. Бу ерда сайловга юқори даражада тайёргарлик кўрилгани яққол сезилди. Хоналар интернет тармоғига уланган компьютер, факс ва бошқа техник ҳамда кўргазмили воситалар билан жиҳоз-

боришга қатта аҳамият қаратяпти. Шунингдек, сайловчилар билан яқиндан ишлаш, уларнинг сайловдаги фаоллигини ошириш мақсадида комиссия аъзолари участкамиз ҳудудидаги кўп қаватли уй ва кўчаларга бириктирилди. Сайлов участкамизда сайловни миллий қонучилигимиз ва умумэтироф этилган халқаро меъёрлар даражасида ўтказиш учун барча шароитлар яратилди. Баъзи сабабларга кўра, сайлов кўни сайлов участкасига келолмайдиган фуқароларнинг рўйхати тузилиб, уларга уй шароитида овоз бериш имконияти яратиб берилди. Яъни, қонунчиликда белгиланган тартибда муддатидан олдин, ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб, овоз беришлари учун махсус кўча кўтилар ташкил қилганмиз.

Сайлов участкаларида номзодларнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури ўрин олган ташвиқот воситалари, баннерлар жойлаштирилгани сайловчиларнинг номзодлар ҳақида янада қўпроқ маълумотга эга бўлишига имкон яратмоқда. Бу айниқса, сайловда биринчи марта иштирок этаётган ёшларга қулайлик туғдирилмоқда.

— 29 март кўни Президент сайловида биринчи марта овоз бераман, — дейди Тошкент банк иқтисод-кредит коллежи ўқувчиси Шахло Нормуродова. — Сайловга оид қонунларимизда фуқароларнинг сайлов ва сайланиш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги кафолатланган. Сайлов ҳуқуқимни илк бор амалга ошириш фурсати этди. Тарғибот-ташвиқот материаллари орқали номзодларнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурини ўрганиб чиқяпман. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ЎЗМТДПдан номзод Акмал Саидовнинг дастуридан ўрин олган миллий ўзликини англаш, жамиятда миллий қадриятларнинг устуворлигини қарор топтириш ҳамда ёшларда миллий анъаналарга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш масалаларини қўллаб-қувватлайман. Сайлов кўни энг муносиб номзодга овоз бермоқчиман.

Бир сўз билан айтганда, сайлов участкаларида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Сайлов участкалари муҳим сиёсий тадбирда сайловчилар ва номзодларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, умуман, сайловни кўтаринки руҳда ўтказишга шай ҳолга келтирилган.

**Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" муҳбири**

○ Сайловчилар хузурида



Ташвиқот ишлари қизгин

бунда ишончли вакилларнинг муносиб улуши бор

Мамакатимизда жорий йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга қизгин ҳозирлик кўришмоқда. Хусусан, айни кунларда “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарори асосида сиёсий партиялардан кўрсатилаган номзодларнинг ишончли вакиллари ҳам жойларда уларнинг сайловолди дастури билан аҳолини яқиндан таништириш мақсадида сайловчилар билан учрашувлар ташкил этмоқда. Ана шундай тарғибот тадбирлари юртимизнинг барча ҳудудларида қизгин ва фаол тарзда давом этмоқда.

МАҚСАДИМИЗ — МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ҲИМОЯСИ

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидовнинг 5-Навоий сайлов округидаги ишончли вакили ва партия фаоллари иштирокидаги учрашувлардан яна бири вилоятнинг Кармана туманида бўлиб ўтди.

Учрашувда дастлаб Президентликка номзоднинг ишончли вакили, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Бахтиёр Бозоров йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди.

— “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” тамғаси остида жаҳон бозорига махсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, ҳориқчиликдан қилишмайдиган махсулотлар ишлаб чиқараётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Акмал Саидовнинг сайловолди дастурида иқтисодий соҳадаги устувор вазифалар сирасига кирди, — деди номзоднинг вилоятдаги ишончли вакили. — Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга кенг имкониятлар яратиш, улардан олинмаган солиқ ва мажбурий тўловлар миқдорини камайтириш маҳаллий саноат самарадорлигини юксалтиради. Бу маҳаллий махсулотларнинг жаҳон бозоридан жой олиши, энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Номзоднинг сайловолди дастурида иқтисодий соҳадаги устувор вазифалардан яна бири — мамлакатимизда туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон сайёҳлик марказларидан бирига айлантиришидир. Тадбирда номзоднинг ишончли вакили мазкур йўналишда белгиланган тизимли ишлар ҳақида сайловчиларга маълумот берди.

Ишончли вакил сайловолди дастурдаги ижтимоий соҳага оид вазифаларга эътибор қаратган экан, жумладан, шундай деди:

— Сайловолди дастурда уй-жой қурилиши ва инфратузилmani қўллаб-қувватлаш, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш каби қатор устувор вазифаларнинг белгиланганлиги аҳоли турмуш сифати даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Учрашувда катта иқтисодий салоҳиятга эга Навоий вилоятида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самараси, бу муазам юрт фидойилари амалга ошираётган бунёдкорлик ишлари эътироф этилди. Тадбир давомида сайловчилар ишончли вакилга Президентликка номзоднинг сайловолди дастури бўйича ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этишиб, уларга батафсил жавоб олишди.

Музокара учун сўзга чиққан “Ўзгросуғурта” ДАК Кармана туман бўлими менежери Азамат Қувонго, ЎзМТДП Кармана туман кенгаши раиси Тўлқин Рустамов Президентликка номзоднинг сайловолди дастурида белгиланган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга оид мақсад-вазифалар вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишида муҳим дастуриламал эканигини таъкидлаб, тадбир иштирокчиларини жорий йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган сайловда Акмал Саидовга овоз беришга чақирди.

Нуротада ўтказилган учрашув ҳам қизгин ва савол-жавобларга бой тарзда кечди. Туманининг 5-муҳика ва санъат мактабида бўлиб ўтган тарғибот тадбири аввалда иштирокчиларга номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури тўғрисида маълумот берилди.

— Сайловолди дастурда белгиланган маънавий-маърифий соҳадаги вазифалар юртимиз эгалари бўлган ёшларда миллий гуруҳ ва

кадр-қиммат туйғусини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди. — деди ЎзМТДПдан Президентликка номзоднинг ишончли вакили Бахтиёр Бозоров. — Сайловолди дастурда халқимизнинг тарихий, маданий ва интеллектуал мероси, маданияти ва анъаналарини асраб-авайлаш ва бойитиш, мазкур йўналишдаги ишларни навқирон ва баркамол авлод орасида кенг тарғиб қилиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу борада юртимиз тарихини ҳолис, тизимли ва улуғсиз ўрганиш, жойлардаги маданий ёдгорликлар, ҳудудларнинг миллий қиёфасини сақлаб қолишда самарали лойиҳаларни амалга ошириш, юксак эстетик қимматга эга миллий ҳунармандчилик турларини кайта тиклаш ва ривожлантириш, миллий-бадий мактабларнинг анъаналарини сақлаб қолиш зарурати номзоднинг сайловолди дастурида алоҳида белгиланган.

Бундан ташқари, номзод дастурининг маънавий-маърифий соҳадаги йўналишидан ўзбек тилининг ўзаро муомала маданиятидаги ўрни ва давлат тили маконини янада юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини оладиган аниқ мақсадли ишларни олиб бориш, камол топиб келаётган авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик махсулотларига қизиқлини кучайтириш, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий-маданий меросига доир адабиётларни нашр этиш билан шугулланаётган муаллифлар, босмахоналар, нашриётларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, уларга солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар бериш каби долзарб вазифалар ҳам ўрин олган.

Номзод маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш зарур, деб ҳисоблайди. Zero, миллий қадриятларимиз ҳимояси — Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг бош мақсадиридир.

Тадбир доирасида Кармана-Конимех ирригация тизими Нурота тумани бўйича вакили Муҳаммадқул Курбонов, ЎзМТДП Нурота туман кенгаши етакчи мутахассиси Жамшид Бердиев, тадбиркор Баҳриддин Муҳитдинов номзоднинг сайловолди дастурида белгиланган вазифаларга оид ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан ишончли вакилга мурожаат этдилар. Қизгин савол-жавоб руҳида ўтган тадбир якунида иштирокчилар 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга ЎзМТДПдан кўрсатилган номзод Акмал Саидовга овоз беришга чақирилди.

Худди шундай учрашувлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилмоқда.

ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАР — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидовнинг ишончли вакили, ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши раиси Комиқлон Отахоновнинг Жалақудук, Асака, Шахрихон ва Булоқбоши туманларидаги сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Учрашувларни 2-Андижон округ сайлов комиссияси аъзолари олиб бوردилар. Президентликка номзоднинг ишончли вакили йиғилганларни Акмал Саидовнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан батафсил таништирди.

Сайловолди дастурда таъкидланганидек, бош мақсадимиз — миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, ички ва ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш ва мақсадли илгари суриш, Ўзбекистон халқининг маданий ва маънавий, ахлоқий қадриятлари,

урф-одатларини сақлаш ва бойитишдир.

Дастурда белгиланган етти йўналиш — ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, суд-ҳукук соҳасини демократлаштириш, иқтисодиёт, аҳоли турмуш сифати даражаси ва фаровонлигини ошириш, ахборот, ташқи сиёсат соҳасига тааллуқли вазифаларга алоҳида урғу берилган.

Юртимиз тарихий обидалар ҳамда табаррук қадамжоларга бой бўлган. Мустақиллик йилларида уларга янги ҳаёт бағишланди. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам йўқ эмас. Биргина Андижон вилоятининг ўзида етмишдан ортиқ табаррук қадамжолар бор. Уларнинг ҳаммасини ҳозирги замон талаблари асосида қайта таъмирлаш, мамлакатимиз тарихини янада ойдинлаштириш ва кенгайтириш зарурати мавжуд.

Жалақудук ва Асака туманларидаги учрашувларда Жалақудук туман 21-умумтаълим мактаби маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Зайнобиддин Рустамов, халқ депутатлари Жалақудук туман кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлардан 20-умумтаълим мактаби директори Фаридахон Абдуллаева, Асака туманидаги Агроиктисодиёт касб-хунар коллежи ўқитувчиси Акромжан Жўраев, Асака тумани спорт коллежи ўқитувчиси Орифжон Турғунов номзоднинг сайловолди дастури юзасидан сўзга чиқдилар.

Улар таъкидлаганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги ролини кучайтирмақда. Амалдаги сайлов қонунчилигимизда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод фақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши бунга яққол мисолдир.

Ишончли вакилнинг шаҳрихонлик ва Булоқбошлик сайловчилар билан учрашуви ҳам иштирокчиларнинг фаоллигида ўтди. Дастур юзасидан фикр билдирган халқ депутатлари Шахрихон туман кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар Бахтиёр Маҳмудов, Муҳаммадқул Исоқова, Булоқбоши тумани 26-умумтаълим мактаби маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, туман кенгаши депутати Насиба Алиакбарова, Булоқбоши агросаноат касб-хунар коллежи ўқитувчиси, партия фаоли Гулнора Холбекова номзоднинг сайловолди дастури тўғрисидаги таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Президентликка номзоднинг сайловолди дастурида муҳим соҳа ва йўналишлар белгиланган, — деди Булоқбоши туман кенгаши депутати Насиба Алиакбарова. — Яъни, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахборот ва халқро йўналишларнинг барчасида амалга оширилиши лозим бўлган аниқ мақсадлар белгилаб олинган. Энг муҳими, ушбу вазифаларнинг ижроси Ватанимизнинг миллий манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Хусусан, сайловолди дастурда илгари сурилган етти йўналишдаги вазифаларга миллий қадрият ва анъаналар ҳамда Ватанимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ёндашилганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Умуман олганда, номзод ўз олдида кўяётган мақсад-вазифаларда бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар уйғунлигидеги инсонпарварлик ва тинчликсеварлик ғоялари, миллий гуруҳ, Ватанга садоқат ва миллий манфаатлар устуворлиги назарда тутилганлиги билан аҳамиятлидир.

Сўзга чиққанлар номзод илгари сураётган бош ва стратегик мақсад — миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, ички ва ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш ва мақсадли илгари суриш, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва бойитишдан иборатлиги тўғрисида тўхталиб, барчани 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга фаол иштирок этишга, ЎзМТДПдан Президентликка номзодга овоз беришга чақирдилар.

Шунингдек, номзоднинг ишончли вакили сайловолди дастурда белгиланган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш вазифасининг ижросини таъминлаш, ижтимоий соҳада аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, уй-жой қурилиши ва инфратузилmani қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли феоизларда узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратган ҳолда улар учун уй-жой қурилиши Давлат дастури бажарилишини бундан кейин ҳам тизимли равишда давом эттирилиши билан боғлиқ саволларга аниқ мисоллар асосида атрофича жавоб берди.

МАЪНАВИЯТ — БУНЁДКОРЛИК АСОСИ

Ҳар қандай жамият тараққиётини маънавиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Фуқароларнинг бунёдкорлик завқ-шавқи билан тинч-тотув ҳаёт кечиришини омили уларнинг асрлар синовидадан ўтган қадриятларга таяниб яшашидадир. Бу ҳар бир кишида ўзликни англаш туйғусини юксалтириш бороварида унда турли мафқуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантиради, бутун салоҳиятини эл-юрт равнақи йўлида намойён этишга ундайди. Мустақиллик йилларида кўлга киритган ютуқларимизнинг асоси ҳам халқимизда жаҳон тамадудини ривожига улкан ҳисса қўшган аجدодларимизга муносиб ворис бўлиш хоҳиш-истагининг юксалигидир.

Айтиш кераки, юртдошларимиз онгу шуғурида миллий гуруҳ ва кадр-қиммат туйғу-

ларини мустаҳкам қарор топтириш масалаларига ЎзМТДП катта эътибор қаратиб келаётганлиги партия ғояларига аҳоли қизиқишини оширмақда.

ЎзМТДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов ва унинг ишончли вакилларининг сайловолди ташвиқот тадбирларини кузатар эканмиз, халқимизнинг миллат бахт-иқболи ўзликни англаш туйғусини юксалтиришда, деб ҳисоблашга ғвоҳ бўлдик.

Чунончи, номзоднинг Хоразм вилояти сайловчилари билан бўлиб ўтган учрашувида берилган саволларнинг асарияти халқимизнинг боқий қадриятлари, кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш билан боғлиқ бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, кексаларга иззат-эҳтиром кўрсатиш туйғуси халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Ҳар бир оилада ўзаро ҳамжиҳатлик, болаларга гомхўрлик кўрсатиш, кексаларни эъзозлаш бамерос қадриятга айланган. Zero, оила — маънавий қадриятларимиз ўчоғи. Бу эса жамият мустаҳкамлиги ва мамлакат барқарорлигини таъминлайдиган асосий омилдир.

Номзоднинг ишончли вакили, ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Баҳодир Бобоҷоновнинг Урганч тумани сайловчилари билан бўлиб ўтган учрашувида Урганч туманидаги 4-умумтаълим мактаби директори Шохиста Аллаберганова навқирон авлод вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларни маънавий баркамолликка эриштиришнинг таъминлаш борасида сайловолди дастурда белгиланган вазифалар юзасидан мурожаат қилди.

— Бугунги давр ёшларимизнинг маънавиятини янада юксалтириш, уларни глобаллашувнинг салбий таъсиридан муҳофаза этиш, ўғил-қизларимизни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларини эъзозлаш руҳида тарбиялашга эриштириш таъжубоз этиди, — деди ишончли вакил. — Президентликка номзоднинг сайловолди дастурида айнан мана шу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, ёшларни халқимизга ёт “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан ҳимоялаш мақсадида уларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларини эъзозлаш руҳида тарбиялаш сайловолди дастурдаги муҳим вазифадир. Шу билан бирга, глобаллашув жараёнида халқимиз маданиятининг ўзига хослигини сақлаш, ёшларнинг камолотида хизмат қиладиган соғлом ахборот муҳитини, самарали ахборот-таълим маконини яратиш, болаларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотларнинг олдини олиш каби долзарб вазифалар сайловолди дастурдан ҳам олган.

Учрашувлар чоғида сайловчилар номзоднинг сайловолди дастурида миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, ички ва ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва бойитиш каби вазифалар илгари сурилганлиги бугунги давр учун долзарб эканини эътироф этдилар.

ШОНЛИ ТАРИХ — БУЛОҚ КЕЛЖАККА ЙЎЛ

Жиззах вилоятида ҳам Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод ишончли вакилининг сайловчилар билан учрашувлари қизгин кечмоқда. Учрашувларда сайловчилар партия номзоднинг таржимаи ҳоли, сайловолди дастури, унда илгари сурилган мақсад ва вазифалар билан батафсил таништирилмоқда.

Айтиш кераки, етти устувор йўналишдан иборат мазкур сайловолди дастурда халқимизнинг тарихий, маданий ва интеллектуал мероси, бой маданияти ва анъаналарини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ва бойитиш, миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, мамлакатимизда замонавий ривожланган демократик жамиятни шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, кучли миллий иқтисодиётни шакллантириш, баркамол авлодни вояга етказиш, самарали ахборот-таълим маконини яратиш ҳамда халқро муносабатларда мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатор устувор вазифалар белгиланган. Энг асосийси, дастурнинг мазмуни, унда белгиланган муҳим йўналишлар мамлакатимизда амалга оширилиши лозим бўлган бугунги ва яқин келажакдаги вазифаларга тўла мос келади. Жумладан, дастурда маънавий-маърифий соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролар онгда миллий ўзликни англашни ошириш, миллий гуруҳ ва кадр-қиммат туйғусини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилган. Хусусан, жижаҳлик сайловчилар билан бўлиб ўтаётган сайловолди учрашувларда ушбу муҳим йўналишнинг мазмун-моҳияти кенг таҳлил этилмоқда.

Айтиш кераки, Жиззах вилояти ўзининг бебаҳо тарихий масканлари, маданий манзиллари, бетакор табиати билан алоҳида ўринга эга. Жиззах тарихининг энг қадимги саҳифалари ҳақида гап кетганда, жаҳон тарихига дахлдор “Сайхонсой қотлоғлари”даги суратлар, энг қадимги одамлар яшаган деб тахмин этилаётган “Пешағор гори” маданий қатламларини, 2-2,5 минг йиллик тарихга эга “Мозорей ёдгорликлари”ни, “Жомонжар ер ости эҳромлари”ни, қадимги манбаларда тилга олинган Газа, Харакана, Зомин, Собот, Миқ, Марсаманда, ундан-да қадимироқ бўлмиш хитой солномаларида тилга олинган “Йена шаҳри” қолдиқлари бўлиши қадимги қалъалар ва шаҳарлар ўринлари тилга олин-

ди. Бундан минг йиллар бурун болаларимиз бунёд этган Марказий Осиёдаги энг қадимги ва маҳабатли ирригация иншооти ҳисобланган Банд тўғони, Саъд ибн Абу Ваққос, Темур дарбоза, Парли ота, Ҳўжамушкент ота, Ҳўжа-боғбон ота, Новқа ота сингари қўллаб тарихий масканлар, муътабар қадамжолар ва зиёратгоҳлар борки, улар мустақиллик шарофати билан янада обод ва кўркам масканга айланади. Бир сўз билан айтганда, воҳода бугунги кунда давлат рўйхатида киритилган 370 дан зиёд маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, сақлаш, қайта таъмирлаш, ободонлаштириш, мазкур ҳудудларда маданий туризмни ривожлантириш галдаги муҳим вазифалар сирасига кирди.

Аҳамиятlisi, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидовнинг сайловолди дастурида мамлакатимизда миллий туризмни, унинг турли шакллари мутаносиб ривожлантириш, ички туризм имкониятларини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Номзоднинг соҳанинг истиқболли жиҳатларига қаратилган муҳим тақдим ва ташаббуслари эса нафақат мамлакатимиз туризм имкониятлари юқори ҳудудлари учун, балки Жиззах вилояти учун ҳам бирдек аҳамиятлидир. Бойиси, вилоятда экологик, маданий, тиббий, илмий туризмни ривожлантириш учун ишга солинмаган имкониятлар бисёр.

Партия номзодининг ишончли вакили, ЎзМТДП Жиззах шаҳар кенгаши раиси Баҳром Мамажоновнинг Жиззах, Зарбдор, Зомин, Зафаробод, Дўстлик ва Пахтакор туманлари сайловчилари билан бўлиб ўтган учрашувларида масаланинг ана шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди. Сайловолди дастурида илгари сурилган вазифалар билан сайловчилар батафсил таништирилди. Хусусан, вилоятнинг Бахмал тумани сайловчилари билан бўлиб ўтган учрашув иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Бахмал тумани — воҳанинг нафақат иқтисодий ривожланган, балки кўхна тарихга, бой анъана ва қадриятларга, бир қатор номдодий маданий мерос объектларига эга ҳудуди. Туманининг бетакор табиати, гўзал ва пувркор тоғлари, бахмалликларга хос урф-одатлар, маросимлар, ҳунармандчилик турлари, тарихий масканлари ҳар қандай кишининг эътиборини тортади. Юртимизга донги кетган Бахмал эгарларни олмавари, ўсмак ота, Боғи мазор каби зиёратгоҳлари фуқароимизнинг ёрқин далили.

Учрашувда шулар ҳақида сўз борар экан, номзод илгари сураётган ташаббуслар мамлакатимизда, хусусан, туманда сайёҳликни, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга, миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш орқали хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Учрашувда сайловчилар номзоднинг ишончли вакилига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар. Номзоднинг оила ва оилавий қадриятларини мустаҳкамлаш, ёшларимизнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотдан муҳофаза қилиш, миллий ҳунармандчилик соҳаларини рағбатлантириш, суд-ҳукук йўналишларида илгари сураётган ташаббуслари сайловчиларни бефарқ қолдирмади.

Йиғилишда сўзга чиққан ЎзМТДП Бахмал туман кенгаши раиси Манзура Норқўзиева, Бахмал қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежи тарих фани ўқитувчиси Элёр Мўминов номзоднинг сайловолди дастурида илгари сурилган устувор вазифаларнинг мамлакатимиз тарихий-маданий аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирди. Хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий чоралар кўриш, айнаси, бошқа мамлакатлар тажрибасида учрамайдиган маҳалла институтининг нуфузини янада ошириш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган мақсад ва вазифалар юртимиз равнақида хизмат қилиши эътироф этилиб, сайловчилар сайловда Президентликка номзод Акмал Саидов учун овоз беришликка чақирилди.

— Шу кунларда қизгин давом этаётган сайловолди ташвиқоти жараёни сайловчиларимиздан Президентликка номзоднинг сайловолди дастури билан таништириш борасида ЎзМТДП ғояларининг янада кенг тарғиб қилинишига имкон яратмоқда, — деди ЎзМТДП Зарбдор туман кенгаши раиси Лазиз Фармонов сайловчилар билан учрашувда. — Айтиш кераки, Президентликка номзод Акмал Саидовнинг сайловолди дастури тарғиб-вазифаларни асосий ғоялари ва дастурий мақсад-вазифалари билан ҳамроҳдан ва муштаракдир. Партия сайловда фуқаролар, хусусан, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ижтимоий соҳадаги ишлар самарадорлигини ошириш, жойларда жамоат ҳафсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, давлат бошқаруви органлари фаолиятини устидан жамоатчилик назоратининг таъсирчанлигини кучайтириш борасида маҳалла-туман ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларни илгари сураётгани ЎзМТДП хайрихоҳлари сафининг янада кенгайишига хизмат қилади.

Ўралой ТУРДИЕВА,
Замира РЎЗИЕВА,
Алишер РАҲМОН,
Дилноза ҲАЙИТОВА,
“Milliy tikanish” муҳбирлари

Депутатлик бирлашмалари

Фракция ҳаёти



Демократик кучлар блоки

парламент фаолияти самарадорлигини янги босқичга кўтаради

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши, шунингдек, ўтган давр мобайнида ушбу Концепция асосида амалга оширилган концептуал ва қонунчилик ислохотлари олиб борилаётган саноат-хўжалик тарихини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди, парламентаризм ривожига муҳим аҳамият касб этди. Давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлис ва жойлардаги вакиллик органларининг ролини сезиларли равишда ошириш, ҳуқуқат, икром ҳокимияти органларининг мустақиллиги ва ваколатларини кенгайтириш, ўз навбатида, қабул қилинган қонунларнинг бажарилиши ва таъсирчанлигини янада кучайтиришга имкон яратди.

«Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунларда бир неча сиёсий партиялар фракциялари ўз дастурий мақсад-вазифаларининг асосини қилишга имкониятларини янада кенгайтиради, — деди фракция раҳбари.

Демократик кучлар блокини тузиш амалиёти ривожланган демократик мамлакатлар парламентларида кенг татбиқ этилган. Мамлакатимиз парламентариизмида ҳам мазкур амалиётнинг қўлланлиши қўйилган фаолият самарадорлигини, ишлаб чиқарилаётган қонунларнинг пухта, пишиқ ва муаммаларини, уларда электро-рат манфаатлари устувор аҳамият касб этишини таъминлайди. Шунингдек, парламент палаталарининг қўшма йиғилишида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг амалдаги жиҳосини таъминлаш, қонунчилик жараёнини янада демократлаштиришда

кўпчиликини ташкил этган ҳолда фаол ҳаракат қилиш имконини беради.

Ушбу масала юзасидан сўз олган фракция аъзолари партия дастурий вазифаларини янада фаол ва самарали бажариш, қонунларни қабул қилиш ва амалга ошириш, парламент назорати механизмларидан фойдаланиш орқали электрорат манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришда ҳар иккала фракциянинг блок тузиши муҳим аҳамият касб этишини қайд этдилар. Шунингдек, блок тузиш Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2015 йил ва келгуси йилларга мўлжалланган асосий фаолият йўналишлари дастурини ва у билан бевосита боғлиқ бўлган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳалардаги ислохотларни амалга ошириш ва янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ишларни самарали амалга ошириш имконини беради.

Депутатлар Демократик кучлар блокини тузиш натижасида миллий урф-одат ва қадриятларни сақлаш, давлат ва жамият ҳаётини янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, эркин бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш дастуруларини амалга ошириш бўйича энг муҳим вазифаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган қонунларни тайёрлаш ва қабул қилишни таъминлаш имконияти янада ошади, дея таъкидладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг Демократик кучлар блокини тузиш тақлифи маъқулланди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Парламентнинг қўйи палатасида Демократик кучлар блокини тузиш масаласи Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси фракцияларининг қўшма йиғилишида ҳам муҳокама этилди. Унда ҳар икки партия фракцияси раҳбарлари ушбу масала юзасидан маъруза қилди. Музокара учун сўз олган фракция раъзолари блок тузишнинг аҳамияти, қўзда тутилаётган натижа ва

самаралари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва рўйбга чиқаришда саноат-хўжалик тарихини бирлаштириш мақсадида ушбу икки партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияларидан таркиб топан, парламентдаги кўпчиликини ташкил этувчи Демократик кучлар блокини тузиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. ЎЗМТДП ва ЎзЛиДеП фракциялари қўшма фаолиятининг асосий шартлари ва устувор йўналишларини назарда тутувчи икки томонлама битим имзоланди.

Шу куннинг ўзида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди. Унда ЎЗМТДП ҳамда ЎзЛиДеП фракциялари раҳбарлари Демократик кучлар блокини тузиш тўғрисида битим имзолангани, ушбу битимнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти борасида ахборот бердилар.

Улугбек МУҲАММАДИЕВ, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— Қўйи палатада кўпчиликини ташкил этган фракцияларнинг блок тузишини парламент фаолиятида муҳим сиёсий воқеа, дейиш мумкин. Боиси, бу ҳамкорлик қонунчилик ташаббуслари, назорат-таҳлил ишларини умуман, парламент фаолиятини янада юқори босқичга кўтаришда муҳим ҳисобланади. Шу ўринда айтиш керакки, Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишларини самарали ижро этиш Демократик кучлар блокининг асосий мақсадларидан бири сифатида белгилаб олинди. Битимда белгиланган қонунларга амал қилган ҳолда ҳамжиҳатликда иш олиб бориш ижобий натижаларни қўлга киритишимизга хизмат қилиши шубҳасиз.

Мухтабар ҲУСАНОВА, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— Маълумки, мамлакатимиз парламентининг аввалги қақриқларида Демократик блок фаолият кўрсатган. Унга эътибор қаратсак, кўпчилик овозга эга бўлган ҳолда саноат-хўжалик тарихини бирлаштириш сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари фаолияти самарадорлигини кучайтиришга, шунингдек, уларнинг сайловолди Платформасида белгиланган устувор дастурий вазифаларини амалга оширишга имкон яратганга гувох бўламиз.

Қонунчиликимизда ушбу амалиётнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган бўлиб, сиёсий партиялар фракцияларининг блок тузиши қонунда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеklang қўймайди. Блокка кирувчи фракцияларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишининг асосий шакли — бу мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг муҳим масалалари юзасидан келишилган нуктаи назарларни олдиндан муҳокама қилиш ва ишлаб чиқишдир.

Акмал РАҲМОНОВ, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— Партияимиз ҳамда ЎзЛиДеП фракциялари ўртасида тузилган Демократик кучлар блоки мақсадларимиз ҳамда саноат-хўжалик тарихимизни бирлаштиришда. Бу маънавий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўналишларидаги дастурий вазифаларни амалга ошириш имконини беради. Мазкур ҳамкорлик иккала партиянинг мақсад-вазифалари, фракциялар мустақиллиги ва қатъийлигини сақлаш ҳамда мамлакатимиз ривожини унун долзарб қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда, парламент назорати фаолиятини самарали амалга оширишда муҳим ўрин тутади. Шу нуктаи назардан блок тузиш тақлифини фракциядошларимиз яқдиллик билан қўллаб-қувватлашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ЎЗМТДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида қўйи палатада биринчи ва иккинчи ўқишда қўрилаётган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама этилди. Йиғилиши Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Дастлаб депутатлар «Йод этишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилишида қўйи палатада биринчи ва иккинчи ўқишда қўрилаётган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилишди.

Таъкидланганидек, йод танқислиги касаллиги дунёдаги кўплаб давлатлар учун соғлиқни сақлаш соҳасидаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини маълумотларига қўра, сайёрамиздаги инсонларнинг учдан бир қисмида ушбу касаллик ривожланиши хавфи қузатилмоқда. Йодланган ош тузини ишлаб чиқариш, сотиш ва истеъмол қилиш соҳасида ҳуқуқий ва ташкилий асосларни яратиш, республика аҳолисини фақат йодланган ош тузи билан таъминлаш бўйича самарали чораларни кўриш, йодланган ош тузи инсон соғлиги учун керакли омил эканлигини аҳоли онгига синг-

дириш йод танқислиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Ушбу қонун лойиҳаси ҳам йодланган ош тузини ишлаб чиқариш, сотиш ва истеъмол қилиш борасидаги муносабатларни тартибга солишни янада кучайтиришга қаратилган. Бу билан аҳолини ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган қонунчилик янада такомиллаштирилиб, эпидемиологик ҳолат яхшиланади.

Йиғилишда сўз олган фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳаси партия Ҳаракат дастурида белгиланган мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни воёга етказиш каби вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Йиғилишда «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш

ЎЗМТДП мақсад-вазифалари

янги қонун лойиҳаларида назардан четда қолмаслигига эътибор қаратилмоқда

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди. Қонун лойиҳасидан кўзланган мақсад тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш амалиётини такомиллаштириш, улар фаолиятига аралашиларни қисқартиришдан иборат. Унда тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ барча текширишни (жиноий ишлар бўйича ҳамда қўшимча келишувларсиз текшириш ҳоллари бундан мустасно) махсус ваколатли орган билан келишиб олиш тўғрисидаги муҳим норма (меъёр) белгилаб қўйилган. Шунингдек, давлат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувига йўл қўймаслик учун қонун ҳужжатларида қўзда тутилмаган шаклдаги текширувларни амалга ошириш тақиқланган.

Тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча кафолатларни таъминлаш мақсадида лойиҳада текширув ўтказиш ваколатига эга бўлган назорат қилувчи органларнинг рўйхатини бериш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруқда текшириладиган давр бўйича маълумот (ахборот) кўрсатиб ўтилиши кераклиги ҳақидаги норма турли суиистеъмолликларнинг олдини олади. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада кучли ҳимоя қилишга йўл очади.

Фракция аъзоларининг фикрича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ЎЗМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатга қўмаклашиш каби вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Шу нуктаи назардан, депутатлар мазкур қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқуллашди.

Фракция йиғилишидаги навбатдаги масала — «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойи-

қил этган фракцияларнинг блок тузиши бу жараёни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштиришга доир энг муҳим масалалар юзасидан ЎЗМТДП ва ЎзЛиДеП нуктаи назарлари, дастурий мақсадларининг яқинлиги келгуси беш йил давомида улкан вазифаларни амалга ошириш имкониятини яратди. Ушбу ҳамкорлик нафақат ҳар иккала партия ва фракция учун, балки бутун мамлакатимиз тарққиёти, миллий манфаатларимиз ҳимояси, аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши эътироф этилди.

Қўшма йиғилиш иштирокчилари мамлакатни модернизация қилиш ва жамиятни демократик янгилаш вазифаларини самарали рўйбга чиқаришда саноат-хўжалик тарихини бирлаштириш мақсадида ушбу икки партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияларидан таркиб топан, парламентдаги кўпчиликини ташкил этувчи Демократик кучлар блокини тузиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. ЎЗМТДП ва ЎзЛиДеП фракциялари қўшма фаолиятининг асосий шартлари ва устувор йўналишларини назарда тутувчи икки томонлама битим имзоланди.

Шу куннинг ўзида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди. Унда ЎЗМТДП ҳамда ЎзЛиДеП фракциялари раҳбарлари Демократик кучлар блокини тузиш тўғрисида битим имзолангани, ушбу битимнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти борасида ахборот бердилар.

Кўмита йиғилиши

Кексаларни эъзозлашда маҳалла кўмаги муҳим

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси ҳамда «Нуроний» жамғармаси ҳамкорлигида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг роли» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда давлатимиз томонидан кексаларни эъзозлаш мақсадида бир қатор саноат-хўжалик тарихини амалга оширилаётган халқимизга хос инсонийлик, юксак маънавият ва меҳроқибат туйғулларининг амалдаги ифодаси экани таъкидланди. Хусусан, бу йўналишдаги Давлат дастурида кексаларимизнинг ижтимоий ҳимояси, уларга бўлган эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтириш, ҳаётига мазмун бағишлаш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, ёши улуг инсонлар, энг аввало, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маънавий хизматлар рўйхатини кенгайтириш, уларнинг фаровон ва муносиб ҳаёт кечирishi учун ижтимоий тузилмалар томонидан моддий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кучайтириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Эро, олти йўналиш, 66 банддан таркиб топан Давлат дастуридаги вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, «Нуроний» жамғармаси, маҳаллалар, бошқа нодавлат ташкилотлар ва ижтимоий тузилмаларнинг ҳам роли катта.

— Давлат дастурида, айниқса, кексаларимизни соғломлаштириш, уларга

тиббий ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш даражаси ва сифатини оширишга катта эътибор берилган, — дейди Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси раиси Э.Боқибоев. — Йил давомида кўриш ва эшитиш органлари, таянч-ҳаракат тизими ва қон-томир касалликларини даволашнинг замонавий усуллари билан кексаларни қамраб олиш, нуроний ва ногиронларни ёрдамчи, техник реабилитация воситалари билан имтиёзли асосда таъминлаш, қарияларимизга хизмат кўрсатишга ихтисослашган санаторий-соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида ҳам бир қатор ишлар олиб борилади.

Давра суҳбатида кўмита аъзолари кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифаларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси, шунингдек, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг 2015-2020 йилларда ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлаш борасида давлат дастури ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ёши улуг инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш галдаги асосий вазифалар эканини таъкидлашди.

Дастурда белгиланган вазифалар фуқаролик жамияти институтлари ҳамда давлат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик асосида амалга оширилади. Шунингдек, Дастур ижроси устидан жамият ҳаётини назоратини амалга ошириш фуқаролик жамияти институтларига юклатилгани уларнинг давлат ва жамият ҳаётини назоратини амалга оширишдаги ролини кенгайтиришга имкон яратди.

Давра суҳбати қўриқларида фуқаролик жамияти институтлари ҳамда давлат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик асосида амалга оширилади. Шунингдек, Дастур ижроси устидан жамият ҳаётини назоратини амалга ошириш фуқаролик жамияти институтларига юклатилгани уларнинг давлат ва жамият ҳаётини назоратини амалга оширишдаги ролини кенгайтиришга имкон яратди.

Одил ТОҶИЕВ, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси:

— ЎЗМТДП сайловолди Платформасида кексаларга ҳурмат, ўзаро ҳамжиҳатлик, болаларга ғамхўрлик каби оилавий анъаналар жамиятдаги маънавий қадриятларнинг муҳим манбаи эканлиги алоҳида белгилаб қўйилган. Шунингдек, партияимиздан Президентликка номзод Акмал Саидовнинг сайловолди дастурида ҳам ёшларни ўзбек халқининг кўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялаш борасида, маънавий турмушда учраб турадиган ҳар қандай низолини тинч йўл билан ҳал этишга интилиш ва мурося йўлини излаш, бунда маҳалланинг ўрнини кучайтириш масалалари илгари сурилмоқда. Эро, халқимиз оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом фикрли этиб тарбиялашда ҳамма кексаларимизнинг тарбияси ва панднасихатларига таянади. Демак, Давлат дастурида белгиланган вазифалар Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг мақсадларига ҳамоханг. Модомики, шундай экан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашиларга ЎЗМТДПдан сайланган ҳар бир депутат «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси бўйича ташаббускорлик кўрсатиши, ваколатларидан унумли фойдаланган ҳолда депутатлик назоратини амалга ошириши талаб этилади.

Умида УЗОҚОВА, «Milliy tiklanish» мухбири

таи назардан «Таълим тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги, «Солиқ маблағоти тўғрисида»ги, «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарққтилиши ҳамда истеъмол қилиниши ҳамда текшириш тўғрисида»ги қонунларга, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги қарорига таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини давлат ташкилотларга ҳам берилиши бўйича тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда.

Фракция аъзолари партия позициясидан келиб чиққан ҳолда ушбу қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён қилишди, уни биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлашди.

Йиғилиш якунида қўрилган масалалар бўйича фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Мухтарам КОМИЛОВА, «Milliy tiklanish» мухбири

Фаолият



Партия ёшлари

Ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиши лозим

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастури ва сайловолди платформасида назарда тутилган асосий мақсад-вазифалардан бири баркамол авлоднинг тарбиялашга муносиб ҳисса қўшишидир. Ёшлар масаласи партиямиз фаолиятида муҳим ўрин тутаяди. Зеро, партия Дастурида айtilганидек, "Ёшлар — бу мамлакат келажиги, жамиятнинг авлоди ва ажралмас қисми, у табиий равишда катта авлод ўрнига келади".

Бугунги кунда партия "Ёшлар қаноти" амалга ошираётган турли сиёсий-маданий тадбирлар, акция ва лойиҳалар, конференция ва анжуманлар, ўқув-семинарларнинг асл мазмун-моҳияти — ёшлар орасига кириб бориш ва уларни бирлаштиришдан иборат. Шунингдек, эртамиз эгаларининг сиёсий етакчилиги ва ташаббускорлик маҳоратини ошириш, соғлом фикрни шакллантириш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш партиянинг асосий мақсад-вазифалари сирасига кирилади. Партиянинг сайловолди платформасида ёшларнинг

ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини таъминлаш ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини тўлиқ намоён этишларига қўмаклашиш ҳам назарда тутилган. Ёшларнинг оила ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашига, сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга бағишланган тадбирлар нафақат партиянинг фаол ёшлари, балки партияга аъзо бўлмаган ёшлар томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Буни ўтган давр мобайнида "Тинчлик ва оқилоллик мамлакатимиз тараққиёти кафолатидир" шиори остида ёшлар форуми, "Юртим тарихини ўрганаман" шиори остида "Озод

юртнинг обод гўшаси" номли ёшлар акцияси, "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби аъзолари ўртасида "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" республика кўрик-танловининг мунтазам равишда, юқори савияда ўтказилаётганидан ҳам билиш мумкин. ЎзМТДП томонидан аъзо йилда элликка яқин мамлакат, 4 мингдан ортиқ вилоят, шаҳар ва туманлар миқёсида ўқув-семинар, давра суҳбати, форум, фестивал, маънавий-маърифий тадбир ҳамда учрашувлар ташкил этилди. Тадбирлар республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ҳамда mt.uz сайтида кенг ёритилди. Шу билан бирга "Миллий тикланиш" ижтимоий-сиёсий газетасида доимий равишда "Ёшлар қаноти" етакчилари ва фаоллари ўз мақолалари билан иштирок этишмоқда. Бу борада Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Наманган, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар кенгашлари "Ёшлар қаноти" фаолиятини алоҳида эътироф этиш мумкин. Мазкур

худудий партия ташкилотлари ёшлар билан ишлашнинг ўзига хос усулларидан фойдаланиш, партия ёшларининг сиёсий билимларини оширишга қаратилган ўқув-семинарларни ташкил этиш, минтақавий ёшлар форумлари ва фестивалларини ташкиллаштиришда фаол иштирок этмоқда. "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" кўрик-танловининг минтақавий ҳамда мамлакат босқичида, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишлаб ёшлар ўртасида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг кафолатидир" мавзусида мақолалар танловида ҳам улар юқори натижаларни кўлга киритишди. Бугун партия умумий аъзолари 184 мингдан ошган бўлса, шундан 98 мингга яқини, яъни 53 фоизи ёшлардан иборат. Уларнинг 58 нафари Зулфия номидаги Давлат мукофотига ва 11 нафари Президент стипендиясига сазовор бўлган. Яна 375 нафар ёшлар бошқа мукофотлар билан тақдирланган бўлса, 560 га яқини спортнинг турли йўналишлари бўйича чемпионлардир. Бу кўрсаткичлар партия сафида юқори салоҳиятга эга бўлган ёшлар кўпчилигини далолат беради. Шунга қарамай, партия "Ёшлар қаноти" зиммасида ҳали бир қатор долзарб вазифалар турибди. Жумладан, ёшларни бузғунчи ва ёт гоялардан ҳимоя қилиш "Ёшлар қаноти"нинг биринчи галдаги вазифасидир. Уларни "оммавий маданият"нинг салбий таъсирларидан асраш, миллий қадриятларимиз, аънава ва урф-одатларимизга ҳуқуқ хурмат руҳида тарбиялаш ҳам кўп жihatдан бугунги ҳаракатларимизга боғлиқ. Бунинг учун биринчи галда юртимиз ёшларининг турли хил салбий иллатлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун тушунтириш ишларини янада кучайтириш, уларда интернетдан тўғри фойдаланиш маданиятини юксалтириш ке-рак. Шунингдек, ёшларни қомил инсон қилиб тарбиялаш, демократик жамиятни барпо

этишда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш, депутатлик бирлашмалари билан ҳамкорликни кучайтириш ва энг асосийси, партия сафида етук билимга эга ва юксак салоҳиятли ёшларни янада кўпроқ жалб этиш лозим. Бунинг учун партиянинг 2015 йилга мўлжалланган иш режасида ҳам бир неча янги лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилмоқда. Ўйлаймизки, ушбу лойиҳалар партиянинг барча даражадаги кенгашлари ҳамда "Ёшлар қаноти" фаоллари томонидан изчил амалга оширилади ва бу келажакда ўз самарасини беради. Ўтган йил парламент ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловда ЎзМТДПдан вилоят кенгашларига 8, туман ва шаҳар кенгашларига 71, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 5 депутатнинг ёшлар таркибидан сайланиши — келажакимиз эгаларининг мамлакатимизда кечаятган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг бевосита иштирокчисига айланганидан яққол далолат беради. Шу кунларда юртимизда яна бир муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига юқори даражада тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Жойларда Президентликка номзодлар ва улар ишончли вакилларининг учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Унда ёшларнинг ЎзМТДПдан Президентликка номзоднинг сайловолди дастури бўйича бераётган саволлари, билдираётган фикрлари навқирон авлод вакилларининг ҳуқуқий-сиёсий билим ва савияси кун сайин ошиб бораётганини кўрсатмоқда. Ўйлаймизки, 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиямиз ёшлари мамлакатимизнинг эртанги кун ва порлоқ келажиги йўлидаги муҳим сиёсий жараёнда муносиб иштирок этиб, ўзлари танлаган номзод учун овоз берадилар.

Ҳамдам НИЁЗОВ, ЎзМТДП Марказий қўмитаси девони бош мутахассиси

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Мамлакатимизда сайловларни умумэтироф этишган халқаро принцип ва демократик тамойилларга мос равишда ўтказилиши ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги яна бир амалий қадамдир.

Юртимизда бугунги кунгача бу борада муайян тажриба тўплангани ҳар жиҳатдан аҳамиятлидир. 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқимиз онг-шуурида шаклланган ана шундай тажриба ва кўникмани яна бир бор синовдан ўтказди. Мазкур сиёсий тадбирни юқори савияда ўтказиш ҳар биримиздан, айниқса, партиянинг энг куйи бўғини — бошланғич партия ташкилотларидан алоҳида масъулият талаб этади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Нукус шаҳар кенгаши таркибидан иборат сайловолди дастури университет Нукус филиалида ташкил этилган бошланғич партия ташкилотлари ўзМТДПдан номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаш жараёнида фаол иштирок этиди. Бу бошланғич партия ташкилотлари 85 аъзони ўз таркибига бирлаштирган бўлиб, унинг етакчиси ушбу ўқув дароҳининг қишлоқ ҳўжалиги мақсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш кафедраси мудири, қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди, доцент Зулфия Султоновадир. — Партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидовнинг Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан бўлиб ўтган учрашувида қатнашдим, — дейди Зулфия Султонова. — Учрашувда номзоднинг етти йўналишдан иборат сайловолди дастури кўпчилиқда, айниқса, сайловда биринчи марта иштирок этаётган ёшларда қизиқиш уйғотди. Бир сўз билан айтганда, юқори савияда ташкил этилаётган ташкилот жараёнида мақсад-вазифаларимиз кенг аҳоли орасига кириб боришига, партия хайрихоҳлари сафи кенгайишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, тарғибот-ташвиқот ишлари фуқароларнинг сайловга оид билимларини мустаҳкамлаш, сиёсий-ҳуқуқий маданиятни ва қарашларини

Президент сайловида қизгин ҳозирлик

куйи бўғин аъзоларини ҳам фаолиқка чорламоқда

юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этаётди. Бу эса, ўз навбатида, олдимизда турган муҳим сиёсий тадбирни юксак савияда ўтказишга замин яратаяди. Бошланғич ташкилотлар партиянинг бош таяни экани уларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришни, аҳоли орасидаги нуфузини янада кучайтиришни тақозо этади. Негаки, куйи бўғинлар сафи асосан электроратга энг яқин бўлган маҳалла, қишлоқ, қорхона ёки муассаса каби турли жамоаларда шаклланади. Бу эса партия дастури ва мақсадлари энг чекка худудларгача кириб бориши, аҳолининг барча қатламига қамраб олишига хизмат қилади. Фарғона вилоятида ўзининг фаолияти, аъзолари сони билан кўпчилик худудий партия ташкилотларига ўрнак бўлаётган Кува туманидаги "Беғат" шифохонаси қрошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилотининг алоҳида ўрни бор. Мазкур куйи бўғин тумандаги тиббий ёт ходимларидан иборат 46 нафар аъзони ўз сафида бирлаштирган. Бошланғич партия ташкилотига олий тоифали жарроҳ, халқ депутатлари Кува туман кенгаши депутати Муродилжон Арслонов етакчилик қилади. БПТнинг партия мақсад-вазифалари, сиёсий соҳадаги фаолияти, депутатлар томонидан кўрсатилаётган ташаббусларни кенг жамотчилиқка етказишда жонбозлик кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Амалга оширилаётган кен қўламли ишлар натижасида БПТ сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Хусусан, куйи бўғин томонидан ЎзМТДП дастури ва сайловолди платформасида белгиланган вазифалар ва партия электрорат манфаатларини таъминлаш мақсадида "Сиёсий партия ва сайловчилар", "Аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш" каби мавзуларда қатор тадбирлар ташкил этилди. Ушбу тадбирлар партия сафида бўлган ёшлар ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, билим, салоҳияти ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги ишларнинг манткий давомидир. Бошланғич партия ташкилот аъзолари яқинда Ўзбекистон "Мил-

лий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидовнинг ишончли вакили Муқаддас Бекирзаеванинг Кува туманидаги сайловчилар билан бўлган учрашувида ҳам фаол иштирок этиди. — Номзоднинг сайловолди дастуридаги соғлом ва баркамол авлод тарбияси борасидаги саъй-ҳаракатларни изчил давом эттиришга қаратилган мақсад-вазифалар биз шифокорларни қувонтирди, — дейди партия куйи ташкилот аъзоси, ҳамшира Насиба Раҳмонова. — Бу, аввало, мамлакатимизда жисмонан соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялашга хизмат қилади. Барча йўналишларда белгиланган мақсад-вазифалар мамлакатимизнинг эртанги порлоқ келажиги учун хизмат қилиши шубҳасиз. — ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Қизилқум туман кенгаши билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови олдидан аъзоларимизга Президент сайлови ва миллий сайлов қонунчилигига қиритилган ўзгаришлар ҳақида маълумот бераёلمиз, — дейди тумандаги "Бандихон" масъулияти чекланган жамияти қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилот аъзолари билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб борапти. Таъкидлаш керакики, Сурхондарёдаги мазкур бошланғич партия ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайлови олдидан ҳамкор ташкилотлар билан "Сайловолди ташвиқотини ташкил этишнинг ҳуқуқий механизми", "Сайлов жараёнида демократлаштиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли" мавзуларида давра суҳбатларини ташкил этиб келмоқда. Бундай тадбирлар бошланғич партия ташкилот аъзолари, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхон-

лигини ошириш, сайлов тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётди. БПТ аъзоларининг фаолиги ЎзМТДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов ишончли вакилининг сайловолди дастури билан бўлган учрашувларида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Учрашувда бошланғич партия ташкилот аъзолари номзоднинг сайловолди дастурида белгиланган ижтимоий-сиёсий соҳадаги вазифаларга катта қизиқиш билдиришди. Шунингдек, дастурда миллий гоя, жамиятимизнинг ахлоқий-маънавий асослари устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилгани, маҳалла институтини янада такомиллаштириш, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ижтимоий шериклини ривожлантириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий чораларни кўриш бўйича номзод илгари сураётган мақсад-вазифалар ҳам БПТ аъзоларининг эътиборидан четда қолгани йўқ. "Бандихон" масъулияти чекланган жамияти қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилот аъзолари билан ҳамкорлик қилишнинг алоҳида аҳамияти бўлиб, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбирда жойларда ўтказилаётган мулоқот, давра суҳбати ва ўқув-семинарларнинг сифати, уларда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишнинг самарали механизмлари, қўлга киритилган ютуқлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Партия "Ёшлар қаноти" фаолиятини янада ривожлантириш юзасидан амалий тақлифлар илгари сурилди.

БУХОРО

Мамлакатимизда демократик жараёнлар босқичма-босқич, изчил ривожланиётган бир пайтда фуқаролар, айниқса, ёшлар онгига демократик қадриятлар ва миллий гояни сингдириш, уларда шу юртининг келажигида дахлдорлик ҳиссини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. ЎзМТДП Қоровулбозор туман кенгаши "Ёшлар қаноти" ўтказган "ЎзМТДПнинг ёшларга оид сиёсати: асосий йўналишлари, таърибаси ва истиқболдаги вазифалари" мавзусидаги давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди. Партия "Ёшлар қаноти" ўтказаятган "Баркамол ёшлар — обод Ватан келажиги", "Миллий халқ ўйинлари", "Ўзбекистон ифтихори — ёшлар даврасида", "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида", "Обод юртининг — обод гўшаси" каби форумлар, фестиваль ва акциялар навқирон авлод вакилларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, маънавиятини юксалтириш, миллий қадрият ва урф-одатларимиз тўғрисидаги тасавурларини бойитиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбирда жойларда ўтказилаётган мулоқот, давра суҳбати ва ўқув-семинарларнинг сифати, уларда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишнинг самарали механизмлари, қўлга киритилган ютуқлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Партия "Ёшлар қаноти" фаолиятини янада ривожлантириш юзасидан амалий тақлифлар илгари сурилди.

НАВОИЙ

ЎзМТДП Навоий шаҳар кенгаши "Аёл маънавияти — баркамол авлод тарбиясининг муҳим омил" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказди. Унда ёшлар маънавиятини шакллантиришда аёллар, хусусан, оналарнинг тутган ўрни, оила ва ахлоқий тарбиянинг аҳамияти, хотин-қизлар саломатлигини асрашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Тадбирда миллий урф-одат ва аънаваларимиздан келиб чиқиб, фарзандларимизни юксак маънавияти, тафаккури теран инсонлар этиб тарбиялашда оналарнинг ўрни беқиёс экани таъкидланди. Бу каби тадбирларнинг асосий мақсади ҳам партияда сиёсий етук, фаол аёллар сафини кенгайтириш, хотин-қизларнинг маънавияти ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга қўмаклашишдан иборат.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Жамият ҳаётининг турли жаҳатларини раванқ топтириш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини янада юксалтириш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида қамол топтиришда хотин-қизларнинг муносиб ҳиссаси бор. ЎзМТДП Бекобод шаҳар кенгаши ўтказган "Аёлни улуғлаш — оилани, Ватани, ҳаётни улуғлаш демократ" мавзусидаги тадбирда ана шулар хусусида сўз юритилди. Тадбирда қабул қилинаётган қонунларнинг амалиётга изчил таъбиқ этилиши бевосита халқимизнинг ҳуқуқий маданиятга боғлиқ экани таъкидланди. Зеро юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ҳар томонлама оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда ЎзМТДП "Аёллар қаноти" фаоллари ўрни, улар амалга ошираётган ишлар хусусида тадбир иштирокчиларига атрофича маълумотлар берилди.

Шахзод ҒАФҒОРОВ, "Milly tiklanish" мухбири

Эълон

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони партиянинг буклетини (А4 форматда, меловка 4+0, 150-160 гр., 150 000 нусхада) чоп этиш, 10 дона Моноблок (А10 6270-8/3240 27 /Intel Core i3 3240 3,4GHz/DDR3 2GB/MB H61/HDD 500Gb /KB /Mouse /Camera/Mic/Speakers) 5 дона ноутбук ҳамда 100 дона стул (Парламент-1, 20 дона, Парламент-2, 80 дона) сотиб олиш бўйича тендер эълон қилади.

**“ШИМОЛГАЗТАЪМИНОТ” УНИТАР КОРХОНАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАҲАР ВА
ТУМАНГАЗ ФИЛИАЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ
БОШҚАРМАСИ ВА УРГАНЧ ШАҲАРГАЗ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

*Барча юртдошларимизни янгиликларини,
бунёдкорлик ва эзгулик тимсоли*

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий табриклайди.

*Янги кун шодиёнлари ҳаётимизга фаровонлик,
хонадонимизга файзу барака олиб келсин.*

ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҚИЗИЛТЕПА ТУМАНИДАГИ
“ШАРҚ ҚУРИЛИШ СЕРВИС” МЧЖ ЖАМОАСИ**

Ўзбекистон халқини янги кун —

Наврўз айёми

билан чин қалбдан қутлайди.

**Йил давомида қалбингизни баҳорий илиқлик,
эзгулик ва яхши кайфият тарк этмасин!**

Банк кредитлари

ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда



Бугун юртимиздаги молия муассасалари ўзларининг имкониятидан келиб чиқиб, навқирон авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг илгор гоя ва ташаббусларини рўйба чиқариш, истиқболли лойиҳаларини молиявий рағбатлантиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Бунда айниқса, маҳаллий ишлаб чиқариш соҳасида тадбиркор йигит-қизларимизнинг ҳиссаси охиб бораётгани эътиборга лойиқ.

“Микрокредитбанк ёш тадбиркорларни излаб топиш, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш мақсадида касб-хунар коллежи битирувчиларини тадбиркорликка фаол жалб этиш ва ўз бизнес-лоийҳаларини амалга ошириши учун уларга кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар қўламини янада кенгайтирмоқда. — “Микрокредитбанк”нинг коллеж битирувчиларига ажратаётган сармоялари бизга жуда маъқул келди, — дейди Тошкент

молия ва иқтисодиёт коллежи битирувчиси Бехзод Нарзуллаев. — Коллеж битирувчилари юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтгач, банкдан энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорда, фермер бўлиб иш бошлаганлар эса 200 баробари миқдорда 18 ойга уч фоизли кредит олишлари мумкин экан. Бизнес режа тузиб, ана шундай имтиёزلардан фойдаланишни мақсад қилдим.

Шунингдек, Марказий банк тавсияси асосида микрокредит олиш учун коллеж битирувчиларида таъминот етарли бўлмаган тақдирда, яқин қариндошлар, яъни ота-она, ака ёки опамизнинг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш орқали кафилик бериш амалиётининг жорий қилингани тадбиркорлик фаолиятимизни йўлга қўйишимизда катта кўмак беради.

Республика тижорат банклари амалга ошираётган чора-тадбирлар натижасида сўнгги уч йил давомида касб-хунар коллежлари битирувчиларини фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида ажратилган кредитлар ҳажми қарийб 5,5 баробарга ўсди. “Микрокредитбанк” АТБнинг касб-хунар коллежлари битирувчиларига имтиёзли кредитлар ажратиши қишлоқларимизнинг янада обод ва кўркем бўлишига, жойларда қўллаб-қўйишлари яратилишига хизмат қилмоқда. Мамлакатимиздаги олис туман ва шаҳарларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш учун катта қулайликлар яратмоқда.

Эркин ДОРИПОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

ЎХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!



“АСАКА” банк жамоаси

Сизларни НАВРЎЗ байрами билан чин юракдан муборакбод этади!
Юртимиз янада обод, халқимиз ҳаёти бундан-да фаровон бўлсин!
Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин ва салоҳиятга эга бўлган
Ватанимиз янада гуллаб-яшнайверсин!

Байрам муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этамиз:

“НАВРЎЗ — 2015”

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталардаги қулай шартларда 60 та омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

“Асака” банк - сармоянгиз сақланиши ва қўлайлигини кафолатлайди.

www.asakabank.com

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	225-44-03
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	224-00-16
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАГИ
“ИХТИСОСЛАШГАН УНИВЕРСАЛ ҚУРИЛИШ”
МЧЖ ЖАМОАСИ

Қалбларимизга меҳр нури, баҳор нафаси ва бетакрор гўзаллик сурурини олиб келган —
Наврўзи олам
билан табриклайди.

Асрий анъана ва урф-одатларимиз бардавом бўлаверсин!

AGROBANK

Барча юртдошларимизни Наврўз айёми билан самимий муборакбод этамиз. Наврўз оилангизга тинчлик, сиҳат-саломатлик, хотиржамлик ва бахт-омад олиб келсин. Байрамга тухфа сифатида қуйидаги омонат турини таклиф этамиз.

Кексаларни эъозлаш йилига бағишлаб жорий этилган “Эҳтиром” номли омонат турига маблағларингизни 10 кундан 365 кунгача бўлган давр оралиғида ўзингиз хоҳлаган муддатга қўйиб, ҳисобланган фоизларни ҳар ойда олишингиз мумкин.

www.agrobank.uz Хизматлар лицензияланган

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ПРОФЕССОР ВА ЎҚИТУВЧИЛАРИ жамоаси

Сиз, азиз ва мухтарам юртдошларимизни
фасллар келинчаги бўлмиш баҳор шодиёнаси —

Наврўз

байрами билан қизгин табриклайди.

Наврўз она заминимизга қут-барака, тинчлик-хотиржамлик олиб келсин!

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши партия Уругту туман кенгаши раиси
Туроб РАҲМОНОВнинг
вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сирдарё бўлими раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Солижон Қудратовга укаси
Содиқжон СУЛАЙМОНОВнинг
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.